

УДК 622.234

# ГАЗНЕФТЬ КОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ БОШҚАРИШНИНГ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛЛАРИ

**Тухтаназаров Д.С.**

катта илмий ходим-изланувчи, ТАТУ хузуридаги Дастурый маҳсулотлар ва аппарат-дастурый мажмуалар  
яратиш маркази,  
тел.: +(99894) 621-21-92, e-mail: Dilmurod\_84@inbox.ru

Мақолада нефть ва газ конларининг фильтрация жараёнини бошқариш масалалари келтирилган. Нефть ва газ конларини ишлаб чиқиши жараёнларини ифодаловчи математик моделдан фойдаланиб жараённи бошқарувчи модель ишлаб чиқилган. Ушбу ишлаб чиқилган модел ёрдамида ўтказувчаник, ёпишқоқлик, говаклик ва дебит қийматларини танлаш орқали қатламнинг ҳисобланган ва фактик босимлари фарқини минимумга эриширилади. Аникланган оптималь параметрлардан нефть ва газ конларини ишлаб чиқаришни бошқаришда ва башоратлашда фойдаланилади.

**Таянч иборалар:** кон, бошқариш, бошқариш масаласи, нефть, газ, модел, математик модел, қудук, ўтказувчаник, фильтрация, тенглама, ёпишқоқлик, говаклик, қатлам.

## КОМПЬЮТЕРНЫЕ МОДЕЛИ ДЛЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССАМИ РАЗРАБОТКИ НЕФТЕГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ

Тухтаназаров Д.С.

Приводится задача управления процессом фильтрации нефтегазовых месторождений. Создана компьютерная модель управления процессами фильтрации с использованием математических моделей процесса разработки нефти и газовых месторождений. С помощью созданной модели выбраны проницаемость, вязкость, пористость и добыча, и достигнут минимум разниц между вычислительными и фактическими давлениями. Определённые оптимальные параметры используются для управления и прогнозирования при разработке нефти и газовых месторождений.

**Ключевые слова:** месторождение, управление, задача управления, нефть, газ, модель, математическая модель, скважина, проницаемость, фильтрация, уравнения, вязкость, пористость, пласт.

## COMPUTER MODELS FOR PROCESS MANAGEMENT OF DEVELOPING OIL AND GAS FIELDS

Tuxtanazarov D.S.

The paper presents the task of managing the filtering process of oil and gas fields. The computer model of process control of filtration, using mathematical models of the process of development of oil and gas fields is created. Using the created model, permeability, viscosity, porosity and mining are selected to achieve the minimum difference between computational and factual pressures. Defined optimal parameters are used to control and forecast the development of oil and gas fields.

**Keywords:** field, management, problem of controlling, oil, gas, model, mathematical model, chink, permeability, filtration, equation, viscosity, porosity, layer.

### 1. Кириш

Кўп ўлчовли фильтрация масалаларини ечишда аналитик ечимини қуришнинг имкони кам бўлганлиги сабабли уларни ечиш учун кейинги йилларда турли хил сонли ҳисоблаш усуллари қўлланилиб келинмоқда.

Нефть ва газ конларини ишлаб чиқиши назарий таҳлил килиш ва амалиётга қўллаш учун масалани ечишда мос келган чегаравий шартлар билан параболик типдаги дифференциал тенгламаларни сонли ечиш усулидан фойдаланиб ҳисоблаш етарли. Яратилган модел ва уни ечишга қурилган алгоритмларнинг аниқлилигини текшириш учун бир

ўлчовли фильтрация масалаларини ечиб, натижалар олиш ва таҳлил қилиш зарур бўлади.

Аслида газнефть конларини ишлаб чиқища қатламдаги фильтрацион жараёнлар уч ўлчовли эвклид фазода юз беради. Лекин уч ўлчовли фильтрацион оқимни қараш учун жуда хам катта геологик-физик маълумотлар талаб қилинади. Уч ўлчовли фильтрация масалаларини ечиш учун геологик-гиофизик жиҳатдан яроқли бўлган маълумотларни олиш мураккаб масалаларни келтириб чиқаради. Илмий изланишлар олиб бориши даврида изланувчилар томонидан фильтрация масалалари бир ва икки ўлчовли ҳоллар учун ечилиб, тест синовлари асосида текшириб кўрилган хамда сонли натижалар физик жиҳатдан тўғри келиши

тизимли таҳлил қилинган. Амалиётда эса икки ўлчовли ҳолатлар қўллаб кўрилган. Ҳозирги кундаги замонавий компьютердан фойдаланиб, қаралаётган масалаларни ечиш шу соҳада ишловчилар учун жуда катта имкониятлар яратади.

Нефть ва газ конларининг ишлаб чиқиш жараёнларини оптималь бошқариш қатламдаги гидродинамик жараёнларни ифодалашнинг математик моделларига асосланади. Шунинг учун оптималь бошқариш услублари ривожланиши ҳисоблаш усуллари ва таҳлилларининг такомиллашиши билан боғлиқдир.

Ўрганилаётган объектиларни компьютер моделини ва оптималь бошқариш масаласининг ечилиши бошқариладиган тизимнинг барча ресурслари ва технологик объект ишини максимал даражада оптималлаштириш имконини беради. Тизимнинг мураккаблашиб бориши масаланинг ечимини олиш учун мезонларни танлаш ва мураккабликни очиша етарлича изланишларни талаб қиласди. Ҳозирги кунда жараённи бошқариш учун жуда ҳам кўплаб математик моделлар, усуллар, алгоритмлар ва дастурий таъминотлар яратилган бўлиб, улар республикамиздаги жуда ҳам кўп нефть ва газ конларида ҳам кўлланилиб келинмоқда. Жараённи бошқариш учун математик моделларни танлашда жуда ҳам кўп талаблар мавжуд бўлиб, уларни қўйида келтириб ўтамиш: Биз танлаган модел ўрганаётган конимиз учун барча хусусиятларни ўзида ифодалashi лозим: газ ва нефтни қазиб олиш миқдори, босимнинг тақсимланиши, газ ва нефтга тўйинганлик даражаси ва ҳоказолар. Танланган модел математик нуқтаи назардан коррект бўлиши ва аниқ физик маънога эга бўлиши лозим. Моделнинг параметрлари ҳамда функционал боғликларни моделнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак.

Жараёнларни бошқаришнинг математик модели физик жараёнда иштирок этувчи параметрларни ўз ичига олиши лозим. Амалиёт шуни кўрсатадики, тизим қанчалик мураккаб бўлса, жараён учун танланган моделнинг юкоридаги барча талабларни қаноатлантириши мураккаблашиб боради [1, 2].

Бу соҳада ишлаб ўтамиш мутахассислар қўйидағи билимларни эътиборга олиши керак:

- нефть ва газ конларининг ишлаб чиқиш назарияси;
- қатлам физикаси;
- гидродинамика;
- геология ва ишлаб чиқиш геофизикаси;
- математик моделлаштириш;
- янги компьютер технологиялари;
- ишлаб чиқишни ташкил этиши ва бошқариш.

Нефть ва газ қазиб олиш объектиларини лойиҳалаштириш ва бошқариш жараёни учун математик моделлаштиришнинг замонавий усуллари объектиларни барча хусусиятларни ўзида ифодаловчи тўлиқ маълумотларга эга бўлган холдагина етарли бўлган самарали натижаларни беради.

Амалий жиҳатдан ихтиёрий ишлаб чиқиш технологиясини ютуқ ва камчиликларини аниқлаб беришнинг ягона усули – математик моделлаштириш ва ҳисоблаш эксперименти ҳисобланади. Бу эса, жуда ҳам катта вақтни ва

моддий жиҳатдан анча тежамкорликга, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан имкони бўлмаган тажрибаларни ўтказишига асос бўла олади.

## 2. Масаланинг қўйилиши

Газ ва суюқлик фильтрацияси жараёнларининг математик модели қўйидағи хусусий ҳосилали параболик типдаги дифференциал тенглама [1, 3, 4-6]:

$$\begin{aligned} & \frac{\partial}{\partial x} \left( \frac{k(x, y) \cdot h}{\mu} K(P, x, y) \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial x} \right) + \\ & + \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{k(x, y) \cdot h}{\mu} K(P, x, y) \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial y} \right) = \\ & = M(x, y) \cdot \beta^* \cdot h \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial t} + f(x, y, t), \\ & (x, y) \in D, \quad t > 0 \end{aligned} \quad (1)$$

орқали ифодаланиб, қўйидағи бошланғич

$$P(x, y, 0) = P_0(x, y) \quad (2)$$

ва чегаравий

$\lambda = 0, 1$ ; ( $\lambda = 0$  да 1-чег.  $\lambda = 1$  да 2-чег.)

шартларни қаноатлантирисин.

Бунда

$$K, M = \begin{cases} P, & \text{таза газ бўлган холатда;} \\ 1, & \text{таза газ бўлган холатда.} \end{cases}$$

Бу ерда  $k(x, y) = k^*$ ,  $k^*$  - ўтказувчаник,  $\mu$  - ёпишқоқлик,  $h$  - баландлик,  $P$  - босим,  $t$  - ғоваклик,  $\beta^*$  - эластиклик коэффициенти.

Маълумки, жараёнда иштирок этувчи параметрлар дастлаб ўлчовли ҳолатда берилган бўлади, яъни тенгламада катнашувчи катталиклар ҳаммаси ўзининг муайян ўлчов бирлигига эга. Биз чекли айирмали алмаштиришлар қўллаганимизда ҳосил қилинадиган дискрет модел ва унга мос дастур таъминоти қийматларни ўлчов катталикларисиз бўлишини, яъни ҳамма ўзгарувчиларни “бир хил мавқеда” бўлишини талаб этади. Шу сабабли навбатда қўриладиган барча масалалар ечилишидан олдин “ўлчовсиз” ҳолга келтириб олинади. Бунинг учун (1) тенгламага мос қўйидағи белгилашларни киритамиз:

$$\begin{aligned} \bar{k} &= \frac{k^*}{k_x}, \quad \bar{x} = \frac{x}{L_x}, \quad \bar{y} = \frac{y}{L_y}, \quad \bar{h} = \frac{h}{L_z}, \quad \bar{P} = \frac{P}{P_x}, \\ f(x, y, t) &= A \delta(x - x_i)(y - y_i) q_i, \quad A = \frac{L_x}{K_x P_x L_y L_z}, \\ t &= \tau \frac{k_x}{\beta^* \cdot L_x^2}. \end{aligned}$$

Фильтрация жараёнларини ифодаловчи икки ўлчовли (1) тенгламани барча шартларини (2) - (3) эътиборга олган ҳолда (бошланғич ва чегаравий) ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиб, тест функциялари ёрдамида текшириб ва аниқ объектиларга қўллаб натижаларни тизимли таҳлил килиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган газ ва суюқлик фильтрацияси моделларини хисоблашда оптималь бошқариш масаласини кўриб ўтайлик.

Оптималь бошқаришнинг замонавий усуллари газнефть конларини ишлаб чиқишни оптималь бошқариш масаласини қўйишга ва ечишга имкон беради. Бу билан бир қаторда кўпгина ҳолларда тақрибий ёндошувга талаб сезилади, бу эса масалани аналитик усулларда ечиш заруритини йўқотаади.

Фильтрация жараёнини бошқариш масаласини кўйидагича тавсифлаш мумкин:

Нефть ва газ конларини ишлаб чиқариш тизимининг мураккаблиги тизимни таҳлил этиш ва бошқаришда қарорлар қабул қилишнинг умумий усулларини ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда яратиш билан боғлиқ интеграллашган бошқарув тизимини яратишга бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Қарорлар қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизими таркибига учта асосий компонент: маълумотлар базаси, моделлар базаси ва фойдаланувчи билан компьютер орасидаги интерфейсни бошқариш тизимидан иборат кичик тизимлар киради. Фойдаланувчи маълумотлардан бевосита ўзи математик моделлар ёрдамида хисобитбларни бажариш учун фойдаланиши мумкин.

Математик моделларни яратишдан асосий мақсад баъзи обьектлар жараёнларини тавсифлаш ва оптималлаштиришдан иборатдир. Математик моделлардан фойдаланиш қарорлар қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизимида таҳлиллар ўтказишни таъминлайди. Моделлар муаммони математик интерпретациялашга асосланган ҳолда муайян алгоритмлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш учун фойдали бўлган ахборотни топишга қўмаклашади.

Бошқариш кенг маънода бошқариш тизимига сиртдан кирувчи мақсадлар мажмуаси билан аниқланади. Бу мақсадларни бошқариш тизимининг асосий буюртмачиси ва бўлгуси истеъмолчиси бўлган субъект қўяди. Умумий ҳолда фильтрация жараёнини бошқариш учун унда қатнашувчи параметрлардан иборат мақсад функциясини минималлаштириш масаласига келинади. Жараённи бошқаришни математик моделлаштириш – бу моделнинг математик тилда тўлиқ ифодаланиши бўлиб, барча шартлар мавжуд чегараланишлар (тenglama ва tengsizlik) кўринишида ифодаланади. Бу системаларнинг ихтиёрий ҳолати учун ечимни олиш имкониятлари мавжуд. Мезон мақсад деб номланувчи функция кўринишида ифодаланади. Оптималлаштириш масаласини ечишдан мақсад функциянинг максимал ёки минимал қўматини аниқлаш бўлиб, унда тенгламалар системасининг чегараланишлари аниқланади. Айтиб ўтиладиган мазкур математик усуллар оптималь бошқариш масаласини соддлашган кўринишида қўйишга ҳамда ечишга имкон беради. Фараз қилайлик, газ ва суюқлик фильтрациясининг математик моделини ечиш учун газнефть конини ишлаб чиқиш жараёнини тавсифловчи қатламдаги барча маълумотлар берилган бўлсин. Функционал минимум бўйича қатламнинг ўтказувчаник коэффициентини аниқлаштириш талаб этилсин. Қатламнинг

хисобланган ва фактик босимлари фаркини қатламнинг ўтказувчаник коэффициентини танлаш хисобига минимумга эриштирадиган қилиб фильтрация жараёнини бошқариш масаласи учун кўйидагича математик моделни ёзиш мумкин [3-5]:

$$\begin{aligned} Z(U) &= \int_0^T \sum_{i=1}^N [P_i(x, y, t) - \bar{P}_i(x, y, t)]^2 dt, \\ Z^* &= \min_{U \in \Omega} Z(U), \quad Z(U^*) < \varepsilon, \\ 0 < U < U_n, \quad \Omega &= \{U\}, \\ U &= \{k, \mu, m, q\}. \end{aligned} \quad (4)$$

Бу ерда  $P$  ва  $\bar{P}$  – мос равишида  $t$  вақт моментида  $(x, y)$  нуқтадаги қудукнинг хисобланган ва фактик босими,  $N$  – қудуклар сони.  $Z^*$  ни аниқлаш масаласи қўйилсин. Бунда  $Z(k)$  - мақсад функцияси.

$Z^*$  - (1) тенгламанинг берилган  $k$  да қудуклардаги хисобланган қўмати.

Шундай қилиб, умумий бошқарув масаласининг математик моделини кўйидагича тавсифлаймиз:

$$\begin{aligned} &\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial}{\partial x} \left( \frac{k(x, y) \cdot h}{\mu} K(P, x, y) \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial x} \right) + \\ + \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{k(x, y) \cdot h}{\mu} K(P, x, y) \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial y} \right) = \\ = m(x, y) \cdot \beta^* \cdot h \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial t} + f(x, y, t); \quad (x, y) \in D; \quad t > 0; \\ P(x, y, 0) = P_0(x, y); \end{array} \right. \\ &\left. \begin{array}{l} \left[ \lambda \frac{k(x, y)}{\mu} K(P, x, y) \frac{\partial P}{\partial n} + (1 - \lambda) P \right]_\Gamma = \gamma; \quad \lambda = 0; \quad 1; \\ K, M = \begin{cases} P, \quad m \text{ газ}; \\ 1, \quad m \cdot \beta^* \text{ суюқлик}. \end{cases} \\ Z(k) = \int_0^T \sum_{i=1}^N [P_i(x, y, t) - \bar{P}_i(x, y, t)]^2 dt, \\ Z^* = \min_{k \in \Omega} Z(U), \quad Z(U^*) < \varepsilon, \\ 0 < U < U_n, \quad \Omega = \{U\}, \quad U = \{k, \mu, m, q\}. \end{array} \right. \end{aligned} \quad (5)$$

Идентификация аниқлигини ошириш учун ишлаш мумкин бўлган параметрлар соҳасида чекланишлар қабул қилинади ва аниқ қатлам учун уларнинг ўзгариш оралиги кўрсатилади. Бундай чекланишларни амалга ошириш учун кондаги маълумотлар, керн таҳлиллари, статистик маълумотлар ва бошқалар хисобга олинади. Шундай қилиб, газнефть конларини ишлаб чиқиш жараёнининг математик моделига кирувчи коэффициентларини идентификациялаш масаласини қўйилиши шартли оптималлаштириш масаласига олиб келади.

Оптimal бошқариш, лойиҳалаштириш, нефть ва газ конларидаги ишлаб чиқиш жараёнларини тадқик қилишда системадаги барча параметрларнинг ўзаро боғлиқлигига аҳамият бериш лозимлигини билдиради. Бу параметрлар тадқик қилинаётган жараённинг асосий факторларини баҳолаш

имкониятни беради, бу факторлар: вақт бүйича қатламдаги босимнинг ўзгариши, ишлатилаётган ва аниқланган қудуклар сони, олинаётган нефть ва газ миқдори, чегаравий шартлар, кон ва қудукнинг газ ва нефтга тўйинганлигидир. Улар кондан фойдаланиш жараённида башорат қилиш имконини беради.

### 3. Ҳисоблаш алгоритми

Нефть ва газ қазиб олиш мақсадида газнефть конларини қайта ишлаш бу қатламдаги нефть ва газларнинг қудукларга оқиб келиш жараёнини бошқаришdir. Бундай бошқарув конларнинг аниқланган ишлаб чиқиш тизимлари орқали амалга оширилади. Шунинг учун газ ва нефть қазиб олиш компанияларининг асосий масаласи режали ва тўлиқ йўналтирилган бошқарувдан иборат бўлади. Биринчидан, бошқарув газ ва нефть саноати объектларида юз берувчи жараёнлар билан боғлиқдир. Иккинчидан, ушбу жараёнларни ривожлантириш суръатини, оқимини ва йўналишини аниқлади. Учинчидан, бошқарув жараёни берилган параметрлар доирасида бажарилишини таъминлайди. Тўртинчидан, бошқарув орқали обьект ҳолати йўналтирилган ўзгаришга ва уларнинг янги ҳолатга ўтказилишига эришилади.

Газнефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш учун қўйидагилар катта аҳамият касб этади: қатлам босимнинг ўзгариши бўйича қатламни газга ёки суюқликка тўйинганлигига, кондан қазиб олинадиган умумий газ ва нефть ҳажми.

Ишлаб чиқилган (5) оптималь бошқариш масаласига таянган ҳолда бошқариш масаласини компьютер ёрдамида ечиш учун қўйидаги асосий босқичларни амалга ошириш керак бўлади. Бу ерда оптималь алгоритмни аниқлаш мезони асосида оптималь алгоритм ёки қудукдаги миқдорни бошқариш учун ҳисоблаш экспериментидан фойдаланамиз.

Ҳисоблаш эксперименти қўйидаги қадамлардан иборат бўлади:

- Бошқарининг ахборот тизимларини шакллантириш;
- Физик қонуниятни аниқлаш ва математик моделни шакллантириш;
- Математик моделни аппроксимация қилиш ва ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш;
- Бошқариш масаласини алгоритмлаштириш ва ҳисоблаш алгоритми асосида дастурий блок-схемасини яратиш;
- Компьютер ёрдамида ҳисоблаш ишларини бажариш ва натижалар олиш;
- Натижаларни таҳлил қилиш, физик жиҳатдан ҳисоблаш натижалари билан солишишиш ва моделни янада мукаммаллаштириш;
- Агар кутилган натижага олинмаса, ҳисоблаш экспериментлари маълумотларини аниқлаштириш ҳисобига физик жараён билан жуда яқин натижага олинмагунга қадар қадамни такрорлаш;
- Автоматлаштирилган бошқарувни аниқ обьектларга татбиқ қилиш.

Лойихалаштиришни автоматлаштириш ва газнефть конларидаги ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ тизимли ишлар қадаммақадам амалга оширилиши шарт. Лойихалашни автоматлаштириш ва газнефть конларидаги ишлаб чиқиш жараёнларини бошқаришда башорат қилиш учун фойдаланиладиган усуллардан фойдаланиш, яъни оддий усуллардан тортиб то, мураккаб жараёнларгача бўлган вазиятларда ҳам башорат қилишда фойдаланиладиган усуллардан фойдаланишлозим. Аниқ масала сифатида мураккаб обьектларни оптималь бошқариш масаласини ечиш учун ҳисоблаш усулларидан фойдаланган ҳолда қўйидаги босқичларни санаб ўтиш мумкин (1-расм) [5, 6].


Юқоридаги билимларга таянган ҳолда компьютер асосида газнефть конларини ишлаб чиқишни бошқариш учун алгоритмлар курамиз.

Газнефть конларини ишлаб чиқишни бошқарувчи компьютер моделларини яратиш кетма кетлиги:

1. Геологик маълумотларни тайёрлаш – бу маълумотларни асос сифатида автоматлаштирилган шаклда компьютерга қандай киритиш ва бунга қандай мутахассис талаб қилиниши ҳамда тушунарли бўлиши ҳисобга олинади. Яратилган алгоритмда масалани ечиш учун барча бошланғич маълумотлар алоҳида модулда киритилиб олинади. Бу маълумотларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин: қудукларнинг ишлаш вақти, қудук қатламидаги ўлчанган босим, қатламнинг газ ва нефтга тўйинганлиги, ғоваклик, ўтказувчанлик, ёпишқолик, қатламнинг баландлиги (чукурлиги), қудуклар сони (ишлатилаётган, аниқланган ва х.к.), кон ўлчами, қатлам ҳарорати, бошланғич заҳира, қатламдаги бошланғич босим. Бу маълумотларни киритиш учун уларни, албатта, ўлчовсиз кўринишга келтириб олиш лозим бўлади.

2. Маълумотларни ёзиш ва ўқиш – фильтрацион тизимларни бошқаришни алгоритмлаштиришда кичик масалалар учун кирувчи ва чикувчи барча маълумотларни автоматлаштириш зарур бўлади. Барча маълумотларни ўқиш ва ёзиш учун маълум бир тартиб асосида шакллантирилган бир нечта файллардан фойдаланилади. Барча кирувчи маълумотларни ҳисоблашнинг охиригача сақлаб қўйиш керак. Шунинг учун алгоритмлаштиришда барча кирувчи маълумотлар ва ҳисоблаш натижалари файлда сакланади. Бу эса натижаларни тадқиқ қилиш учун кулайлик тугдиради. Барча параметрларни киритиш ва ўқиш учун алоҳида модул яратилади.

3. Коннинг структуравий ҳаритасини компьютерда автоматлаштирилган ҳолда яратиш – бунинг учун соҳанинг чегараси коннинг режали қирқими асосида аниқланади. Коннинг структуравий ҳаритасини сканер ёрдамида файлга сакланади. Коннинг структуравий ҳаритасидан чегаралар, кон соҳаси ва қудукларнинг жойлашишини маҳсус яратилган алгоритм асосида массивга юклаб олинади. Бу ишлар аввал қўлда бажарилар эди. Кўл ишини енгиллаштириш мақсадида ушбу жараёнларни амалга ошириш учун маҳсус дастур яратилди ва автоматлаштирилди.



1-расм. Мураккаб объектларни оптимал бошқариши босқичлари

2-расм. Газнефть конларини бошқаришининг компьютер модели структураси

Коннинг структурали ҳаритасини яратиш учун куйидагича маҳсус алгоритм ишлаб чиқилди:

- коннинг структурали ҳаритасидаги чегаралари ва кудукларнинг ўрни алоҳида оқ қоғозга кўчирилади ва расм қилиб сақланади;
- ушбу расмдаги чегара, ички соҳа, ташки соҳа, кудукларнинг ўрни турли белгиларга алмаштирилиб массивга ёзиб олинади;

ушбу яратилган массив асосида хисоблаш соҳасининг майдони аниқланади.

4. Кирувчи маълумотларни аниқлаштириш – маълумки, реал конлардаги қатламда фильтрацион жараёнларни тадқиқ қилиш учун геологик ва гидродинамик маълумотлар керн таҳлиллари ёрдамида олинади. Бу маълумотлар қазилган кудуклардаги илк фактлик манба хисобланади.

Фильтрациянинг икки ўлчовли масаласини ечишда кудуклар жойлашмаган нуқталарда ҳам фильтрацион ва бошқа параметрларни аниқлашга тўғри келади. Ишлаб чиқиш кўрсаткичларини башоратлаш мақсадида фильтрациянинг икки ўлчовли масаласи учун гидродинамик хисоблашларни амалга оширишда, яъни коннинг жорий ҳолатини аниқлаш учун суюқлик ва газнинг мос келувчи бошлангич ва чегаравий шартлари асосида чизиқсиз дифференциал тенгламаларни ечиш зарур бўлади.

5. Масалани ечиш – газ-суюқлик фильтрациясини бошқариш масаласидан кўриниб турибдики, маҳсус хисоблаш алгоритмларини факат хусусий хосилали чизиқсиз, биржинсли бўлмаган ва икки ўлчовли дифференциал тенгламаларни сонли ечиш учун қўллаш керак.

Бу тенгламаларни сонли ечиш учун бир катор усуслар таклиф этилган. Улар бир-биридан аниқлилиги, тургунлиги, бажарилувчи операциялар сони ва шунга ўхшашибир нечта факторлари билан фарқ қиласди. Берилган масалани ечишнинг ҳар бири учун хисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган [6].

6. Олинган натижаларни чоп этиш ва таҳлил қилиш – одатда компьютерда олинган сонли натижалар жадвал ва график кўринишда берилади ҳамда улар файлларда сақланади. Ҳар бир жадвал ўзининг аниқланишига қараб берилган кетма-кетлик ва ўлчамларда маълум бир гурух маълумотларини

ифодалаши керак. Масалан, қазиб олиш ҳақидаги маълумотлар тартиб рақами, санаси (ой ва йил), кудук рақами, ишлаб чиқиш бошланганидан бери дебит ва қазиб олиш қийматларини ўз ичига олиши керак. Ушбу алгоритм асосида курилган дастурлар мажмуаси объектли дастурлаш тили Delphiда [6] яратилди.

7.  $Z(U)$  функционал минимумини аниқлаш – бу бўлимда функционални минималлаштириш шартининг бажарилиши текширилади. Яратилган дастурлар ёрдамида газ-суюқлик фильтрацияси жараёнини бошқариш учун жараёнда қатнашувчи параметрлардан иборат мақсад функциясидан тузилган тафовут миқдорини минималлаштириш учун оптималь хисоблаш алгоритмлари танланади. Қўйилган масалани ечиш орқали газ-суюқлик фильтрацияси жараёнида иштирок этувчи параметрларни энг оптималь қилиб танлаш орқали ҳаракатни оптималь бошқариш имконига эга бўлинади. Бу ерда  $Z(U^*)$  изланаётган масаланинг ечими сифатида қаралади. Айни ҳолатда оптималь алгоритмни аниқлаш орқали бошқариш масаласини ечиш учун хисоблаш тажрибаси усули қўлланади. Қийматларни хисоблашда агар  $Z(U^*) < \varepsilon$  бўлса, жорий хисоблаш қиймати мақбул бўлади ва хисоб тутатилади. Агар  $Z(U^*) > \varepsilon$  бўлса, танланган параметр янгидан аниқлаштирилади ва жараён тақрорланади.

Шундай қилиб, биз нефть ва газ ҳаракатини мақбул натижага олингунга қадар бошқаришимиз мумкин.

#### 4. Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки конларни тадқиқ қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш конлардаги жараённи аник боҳолаш ва бу орқали ишлаб чиқариш кўрсатгичи ошириш имконини беради. Булар коннинг келажакда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини баҳолаш орқали амалга оширилади.

### Адабиётлар

- [1] Коротаев Ю. П., Тагиев В.Г., Гергедова Ш. К. Системное моделирование оптимальных режимов эксплуатации объектов добычи природного газа. – М.: Недра, 1989. – 264 с.
- [2] Бадалов Ф.Б. Оптимальаш назарияси ва математик программалаштириш: Олий ўкув юрт. студ. учун дарслек. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 188 б.
- [3] Алимов И., Эргашев Б. Система управления разработкой газовых месторождений // Современное состояние и пути развития информационных технологий: Материалы республиканской научной конференции. – Ташкент, 2006. – С. 294.
- [4] Валиев Т. Моделирование и управление параметрами технологических средств при разработке месторождений полезных ископаемых: Автореф. дис....канд. тех. наук. – Ташкент, 1991. – 16 с.
- [5] Жакбаров О.О. Модели и оптимальные алгоритмы управления фильтрационных систем: Дис....канд. техн. наук. – Ташкент, 2004. – 138 с.
- [6] Алимов И., Тухтаназаров Д.С. Вычислительные алгоритмы для решения двумерных гидродинамических задач с использованием методов прогонки // Узбекский журнал «Проблемы информатики и энергетики». – Ташкент, 2013. – № 5-6. – 58 с.